

«МУТОАЛАХОНА ҲАР КИМҒА ОЧИҚ БЎЛУР..»

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ



Маҳмудхўжа
Беҳбудий
(1875 – 1918) буюк
маърифатпарвар
адиб, аллома ва
жамоат арбоби

Беҳбудий ўзбек ва
тожик тилларда
икки юздан ортиқ
асарлар яратган

У зок йиллик тарихга эга бўлган юртимизда кутубхоналар катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган. Давлат саройларида, мадрасаларда, умуман, маънавиятга интилган инсонлар бор жойда, албатта, китоб бўлган, кутубхона бўлган. Дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиз Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Ал-Бухорий, Фарғоний, Ибн Сино боболаримиз ҳаёти ва ижодига бир назар солсак, уларнинг порлоқ келажакка бўлган йўли мана шу юрт кутубхоналаридан бошланганлигини кўришимиз мумкин. Юртимизда уларнинг юксалиши учун барча шарт-шароитларга ва катта китоб хазинасига эга бўлган кўплаб кутубхоналар бўлган. Улар асрлар алмашган сайин халқимиз қалб кўрида сақлаиб келаверган.

XIX аср охирида юртимизда юз берган оғир сиёсий вазият кутубхоналар ва кутубхоначилик анъаналарига катта талофатлар етказди. Кўплаб қўл ёзма ва нодир китоблар турли йўллар билан бошқа мамлакатларга олиб кетилди. Китоблар ёқилди, сувга оқизилди. Бундай китобларнинг аянчли тақдири миллат фидойиларини тинч қўймас эди. Улар халқни уйғотишда китобнинг, кутубхоналарнинг ўрни катта эканлигини чуқур ҳис қилишарди. Буни ўйлаб қаттиқ куйинишарди.

XIX аср охири XX бошларида халқимизнинг маънавият дарёси – кутубхоналарга бўлган талабнинг, илмга бўлган чанқоқликни ортиши натижасида кутубхона ташкил этилди. 1870 йили Тошкентда овропа типигади илк кутубхона очилса-да, ундан маҳаллий аҳоли фойдалана олмас эди. Шу мақсадда, бир қатор жадидлар, маърифатпарвар олимлар ва эл фидойиларининг ташаббуси ҳамда жонқуярлиги остида XX аср бошида Самарқандда яна бир янги кутубхона қад ростлайди. Бу халқимиз маънавий ҳаётида катта воқелик сифатида кутиб олинади. Бу кутубхонани

очишда йирик маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хизматлари катта бўлди. Унинг «Туркистон вилоятининг газети»да бу катта ходиса баён этилган қатор мақолалари чоп этилади. Бунда кутубхона очиш учун қилинган ҳаракатлар, уни ишга тушириш ва, энг муҳими, кутубхона инсоният камолоти учун муҳим вазифани бажариши ҳақида қимматли фикрлар берилган.

Маълумки, Беҳбудий ўзбек ва тожик тилларида икки юздан ортиқ мақола ва асарлар яратган. Жумладан, «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий жуғрофия» 1906 йил), «Китобат улатфол» («Болалар хати» 1908 йил), «Тарихи ислом» («Ислом тарихи» 1909 йил), «Амалиёти ислом» (1908 йил) каби дарсликлар ва китоблар ёзган. Унинг мақолалари 1901 йилдан бошлаб «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шўҳрат», «Хуррият», «Турон», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Тирик сўз», «Таржимон», «Вақт», «Тоза ҳаёт», «Самарқанд», «Ойна» каби рўзнома ва ойномаларда чоп этилган.

Эътиборингизга ўша пайтда чоп этилган Беҳбудийнинг қуйидаги мақоласини ўз ҳолича тақдим этмоқдамиз. Халқимиз қалбида маърифат куртагини очишга умрини бағишлаган инсонлар ёди ва беқиёс хизматлари билан миллатни юксакликка етаклаган маърифатпарвар алломаларимиз сўзлари сизни безътибор қолдирмаслигига ишонамиз.

МУТОАЛАХОНА

«Самарқанд шаҳринда умумий мутоалахона – библиотек-читална очмоқ учун 16 нафар мухтарам кишилар ила бирга 27 бобдин иборат бир дастур-устав тузуб жаноби баланд даражалик Самарқанд губирнаторина топшируб эдуқки, алҳамдулло қонуннома жамияти мустаҳкам бўлди. Ва иншолло таоло рамазони шарифа қадар очилур. Жамиятимиз Ру-

сия фуқароларини ҳар жинсидин аъзо қабул қилиб ҳар аъзодин йилинда уч сўм мутоалахона учун оқча олиб бу пулға Русия ва ҳорижиёга матбуъ ҳар навъ одоби диний ва иқтисодий ва сиёсий ва журнал хоҳ руси, форсий, арабий ва туркий тилларинда бўлсун олур. Инчунин туркий, арабий, форсий тиллариндаги ҳар навъ китоб, тарих ва адабиёт қадима ва жадида ва китоби тафосир шарифа китоби фунуни мухталифа ва умум талабага кераклик китоби арабийа дарсийа ва охирги вақтларга Байрут, Миср ва Истанбулга таъб ва тахрир бўлган «Қомуси улум ва доиратун ал маориф» йаъни энциклопедия китобларини ва курраи арзия ва самовийа китоб ва хариталаридан олиб мутоалахонага қўйиб халқ ва талабага мужони орият дарсийа, китоблар бериб ўқутмоқчидур. Мутоалахона ҳар кимга истефода учун очик бўлур.

Жамиятни ўзи тарафидан сайланган раис ва нозир ва мунши ва мухтасиб ва хазиначиси ва ҳукумат тарафидан таъинланган (семинарин)... ва йилинда расмий суратда съезд ва мушовара мажлиси бўлур. Жамият ишини ва мутоалахонани сақиз нафардан иборат асосий мажлис-член комитет бошқариб турар. Ва булар оғайнда бир мартаба мажлис қилиб йилинда ики мартаба ва лозим бўлганда фавқулудда мажлис ва съезд расми қилиб умумий аъзоларга ҳисоб берарлар.

Мутоалахона учун оқча ва китоб ва жарид ва асбоблар вақф қилган ва худойи берганлардин қабул қилиб жамиятни вақф дафтаридан ҳужжат берилур. Бирдан 25 сўм берганлар умри аъзо ва оқча ё хизматларила китобхонага ёрдам берганларни фахрий аъзо сайланадур. Жамиятни барча қарор ва ҳукми ва мутоалахонани доҳилий ва хорижий жамъ тартиботи аъзолар съездини аксар раис ила муқаррар бўлуб эллик... Жаноб губернаторига маълум қилинур.

Эълон мутоалахона тўғрисида ушбуни ила актифи қилиб оянадга ани фойда илмийа ва маънавий тўғрилиға ва катта шаҳарлардаги китобхоналар бобинда муфассал маълум



Туркестан вилояти банкиси... (The text continues with the newspaper's content, including news, advertisements, and local reports. The text is written in Cyrillic and is somewhat difficult to read due to the image quality and the density of the text. It appears to be a historical document from the early 20th century.)

мот ёзармиз. Қонуномамиз босилиб чиқгандан сўнгра жаридага ёзилмоғини мудирлари жаридадин илтимос қилурмиз. Токи Туркистонлик қариндошларимизга маълум бўлиб ва шоядки ҳар шаҳардаги миллат ва тараққийпарвар биродарларимиз ҳам китобхона ва мутоалахона очилмоқиға гайрат қилсунлар. Валлоху ал муваффиқ ва алмаъин».

Самарқандий Муфти Маҳмудхўжа бинни Бехбудхўжа хатиб «Туркистон вилоятининг газети» 22 июн, 1908 йил Самарқанд № 48

Махмудхўжа Бехбудий 1908 йил 22 июндаги «Туркистон вилояти газетасининг 48-сонида Самарқанд шаҳрида умумий китобхона очилганлиги ҳақида биринчи бор ўз мақоласида хабар берган

Данная статья освещает события, связанные с открытием под руководством Махмудхужы Бехбудии мусульманской библиотеки и читальни в Самарканде.

Просветительские идеи Махмудхужы Бехбудии были приняты его сподвижниками и пропагандировались через издаваемые газеты, журналы и новометодные школы. На страницах национальной периодической печати Туркестана было опубликовано множество его статей, посвященных социальным и политическим проблемам Туркестана, а также вопросам культуры, религии и воспитания молодежи.

22 июня 1908 года в номере №48 «Туркестанской туземной газеты» была опубликована статья «Читальный зал для всех», которая информировала читателей об открытии в Самарканде мусульманской библиотеки и читальни.